

Сайёр қабуллар - аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг энг самарали усули



Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топишда маҳаллаларда ўтказилаётган сайёр қабулларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Бугун Термиз туманининг «Ат-Термизий» маҳалласида навбатдаги сайёр қабул ўтказилди. Унда тумани ҳокими, 1-Сектор раҳбари Шухрат Назаров, мутасадди ташкилот ва корхона раҳбарлари ҳамда фуқаролар иштирок этишди.

Сайёр қабул давомида фуқароларнинг электр энергия ва газ таъминоти, ичимлик суви ва бошқа бир қатор ижтимоий масалалардаги мурожаатлари тингланди. Мурожаатларнинг аксариятига шу ернинг ўзида ечим топилган бўлса, ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиласиган мурожаатлар мутасаддиларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.